

9-10-2019

POSTMODERN SOCIETY SPECIALISTS IN THE POSTMODERN SOCIETY

Makhmud Majitov

Director of the Surkhandarya regional branch of the Center for Advanced Studies under the International Islamic Academy of Uzbekistan

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Majitov, Makhmud (2019) "POSTMODERN SOCIETY SPECIALISTS IN THE POSTMODERN SOCIETY," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 6 , Article 40.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss6/40>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

POSTMODERN SOCIETY SPECIALISTS IN THE POSTMODERN SOCIETY

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ПОСТМОДЕРН ЖАМИЯТДА ШАХС ДУНЁҚАРАШИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР

Махмуд Мажитов

Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Малака ошириш маркази
Сурхондарё вилояти минтақавий филиали директори

Аннотация. Мақолада Постмодерн жамиятда шахс дунёқараши трансформация-сининг ижтимоий-фалсафий муаммолари таҳлил қилинган. Шунингдек, шахс тушунчаси, унинг ижтимоий моҳияти, шахс феномени, унинг мазмуни, структураси, шаклланиши хусусиятлари билан боғлиқ жараёнлар таҳлили баён қилинган.

Калит сўзлар: Шахс, индивид, одам, инсон, жамият, феномен, глобаллашув, постмодерн, ижтимоий фазилат, ахборот, мафкуравий таъсир, ахборот майдони, дезинформация, персонализм, компонент, прагматизм, эркинлик.

ПОСТМОДЕРНОЕ ОБЩЕСТВО СПЕЦИАЛИСТОВ В ПОСТМОДЕРНОМ ОБЩЕСТВЕ

Махмуд Мажитов

Директор регионального филиала Сурхандарьинского вилоята Центра повышения квалификации при Международной Исламской академии Узбекистана

Аннотация. В статье научно анализирована социально-философского проблеме трансформации мировоззрение личности при обществе постмодерна. Также анализируются понятие личности, ее социальная сущность, феномен личности, процессы, связанные с ее содержанием, структурой и особенностями формирования.

Ключевые слова: Личность, индивид, человек, общество, феномен, глобализация, постмодерн, социальная добродетель, информация, идеологические влияния, информационное поле, дезинформация, персонализм, компонент, прагматизм, свобода.

POSTMODERN SOCIETY SPECIALISTS IN THE POSTMODERN SOCIETY

Makhmud Majitov

Director of the Surkhandarya regional branch of the Center for Advanced Studies under the International Islamic Academy of Uzbekistan

Abstract. In the article is scientifically analysed the socio-philosophical problems of worldview transformation of personality in postmodern society. It also this article analyzes the concept of personality, its social essence, the phenomenon of the person, the processes related to its content, structure and specifications of the formation.

Keywords: Persona, individual, man, human, society, phenomenon, globalization, postmodern, social virtue, information, ideological influence, information field, disinformation, personalism, component, pragmatism, freedom.

Шахс муаммоси ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида энг долзарб муаммо сифатида фалсафий тафаккурнинг доимий диққат марказида бўлиб келган.

Ижтимоий тараққиётдаги жиддий ўзгаришлар ва унга таъсир қилувчи ижобий ва салбий тенденциялар таъсирида “шахс” ҳар бир тарихий даврнинг эътиборидаги ўзига хос муаммо бўлган. Бу ўз навбатида инсоншунослиқда шахс муаммосини ижтимоий тараққиёт субъекти ва объекти сифатида ижтимоий-фалсафий, диний-психологик жиҳатдан тадқиқ этувчи фалсафий таълимот ва йўналишларнинг шаклланишига асос бўлди. Шундай экан, дастлаб, “шахс” тушунчаси ва унинг ижтимоийлашуви билан боғлиқ жараёнларни таҳлилга эътибор қаратсак мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўзида руҳий ва ижтимоий-маданий жиҳатларни инъикос этган шахс ижтимоийлашуви мураккаб механизм ҳисобланади. Шахс ижтимоийлашуви механизмининг руҳий жиҳати индивид томонидан муайян ижтимоий ролларнинг қабул қилиниши (ёки қабул қилинмаслиги)да намоён бўлади. Унинг ижтимоий-маданий жиҳати эса шахснинг тил, санъат, дин, ва шу қабилар орқали маданий қадриятларни ўзлаштириш жараёнини қамраб олади. Хўш бутунги жаҳон тараққиётида шакланган янги умумсайёравий тартиботлар, давлатлар ва кишилар ўртасида ўзаро алоқаларнинг кенгайиши ва мураккаблашиши, дунё миқёсидаги ахборот макони, капитал, товар ҳамда ишчи кучи бозоридаги интеграциялашув, атроф муҳитга техноген таъсирнинг кучайиши, оммавий маданият намуналарининг кенг тарқалиши, ахборот-мафкуравий ва диний-экстремистик хуружлар хавфининг ортиб боришини ўзида акс эттирган постмодерн жамиятда шахс ижтимоийлашуви қандай кечмоқда?

Ҳозирги жамиятни Постмодерн жамият деб аташ қабул қилинган. Баъзи олимлар фикрига кўра Постмодерн жамият XX асрнинг 80 йиллари охирида қарор топган(айрим олимлар формал сана сифатида интернет тармоғининг 1989-йилда пайдо бўлишини оладилар).[1]

Постмодерн жамиятда янги технологиялар, оммавий маданият, реал воқелик билан виртуал воқелик ўртасидаги чегараларнинг нисбийлашуви, шахслараро муносабатлардаги баъзи тенденциялар инсоннинг биоижтимоий мавжудот сифатидаги моҳиятини хавф остига қўйиши постмодерн жамиятда юз бераётган шахс эътиқодидаги бу каби муаммовий ўзгаришлар ижтимоий фанларнинг ўта долзарб ва фундаментал масалаларидан бирига айланди.[2] Илмий техника тараққиёти, ахборот технологиялари, алоқа тизими, оммавий ахборот воситалари, глобаллашув тенденцияси шиддат билан тезлашиб, анънавий турмуш тарзи, муносабатлар, қадриятлар тизими, дунёқарашга ўз таъсирини ўтказмоқда ва уларни ўзгартирмоқда.

Постмодерн жамиятда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига АТ кириб келиши ва “Ахборот портлаши” натижасида кўпчилик инсонлар, айниқса ёшлар ижтимоий мўлжалларини, ҳаётий идеалларини аниқлашда қийналишмоқда.[3]

Ишлаб чиқариш технологиялари, иқтисодиёт ва маиший турмуш тарзининг бир хиллиги, оммавий маданият, глобаллашув билан боғлиқ бошқа ҳодисалар одмаларнинг маънавий қиёфасида андозавийлик, бирхиллик, миллий хусусиятларнинг йўқолишини(денационализация)ни келтириб келтириб чиқармоқда. Ватан-

парварлик, миллийлик туйғуларининг ўтмаслашуви, космополитик қарашлар кучайиши постмодерн жамият тенденцияларидан биридир.

Айниқса, ижтимоий ўзгаришлар, қоларверса, фан ва техниканинг ривожланиши ва унинг таъсирда инсон интеллектуал салоҳиятининг юксала бориши шахс муаммосига эътиборни янада кучайтиради. Хусусан, прагматизм тарафдорларининг таъкидлашларича, шахс – инсоннинг ўзигагина тегишли бўлмаган нарсаларнинг (нафақат ўз жисми ва руҳияти, балки уй-жойи, болалари, дўсту-биродарлари, мулки, банкдаги ҳисоби ва ҳақозолар) умумий якунини ифодаловчи тушунча ҳисобланади. Унинг асосчиларидан бири Уильям Жеймс шахсни уч таркибий қисмдан (жисмоний шахс, ижтимоий шахс, маънавий шахс) иборат деб таъкидлайди. [4]

Фрейднинг психоанализ методига мувофиқ, инсон шахси учта асосий компонентдан: *ego*, *эго*, суперэгодан ташкил топади. Улар бирлашиб бир бутун инсон шахсини вужудга келтиради. [5:19]

Шахс – ташқи дунёнинг субъектив инъикоси, у фаолияти ва ижтимоий аҳволининг ҳосиласидир. Унинг фаолияти доирасига меҳнат, муомала, спорт, кишилар билан турли алоқалар, бир сўз билан айтганда, жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг турли соҳалари киради. Шахсни унинг фаолияти ва фаоллигини жамиятдан ажратиб тушунтириб бўлмайди. Ҳар қандай шахснинг хатти-ҳаракатлари, фаолияти қайси ижтимоий гуруҳга муносиблигига қараб англаш, тадқиқ этиш мумкин. Шу боисдан ҳам шахс ижтимоий струк-тураси ҳақида гап борар экан, унинг қайси ижтимоий гуруҳга мансублигини, қайси ижтимоий ролни бажараётганини (боз устига, бу ижтимоий ролни қандай бажараётганини) ҳам эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим. Бунинг учун унинг қандай мақсадга интилаётганини ўрганиш, аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Америкалик файласуф олим, прагматизм асосчиларидан бири Уильям Джеймс (1842-1910) фикрига кўра, шахс-инсон онглилиги тавсифидир. Инсон онглилиги эса икки муҳим: билинган ва билиниши зарур бўлган элементлардан ташкил топади. Онглиликдаги билиб олинган элемент-“Шахс”, билиниши зарур бўлган элемент-“Мен”дир. Худди шунинг учун ҳам “Шахс” ва “Мен” ўртасидаги алоқадорлик механизмини билиб олиш инсоншуносликнинг энг муҳим муаммоларидан биридир. [6]

Джеймс инсон шахси деганда унинг бисотидаги барча ўзиники деб ҳисобланган нарсаларнинг умумий йиғиндисини тушунади. [7:16-43]

Хуллас, шахс ижтимоий моҳиятини ўрганиш учун шахс ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг уч асосий компоненти таҳлил этилмоғи лозим: 1) шахснинг қайси ижтимоий гуруҳга мансублиги; 2) у бажараётган ижтимоий роллар йиғиндисини; 3) унинг эҳтиёжлари, манфаатлари, билимлари, қарашлари ва эътиқоди.

Шахснинг ижтимоий моҳиятини унинг ўз-ўзини англаши, қадриятлари системаси, ижтимоий муносабатлари, мустақиллиги, масъулияти ташкил этади. Шунингдек, инсоннинг мустақил шахс сифатида шакланганлиги ҳолатининг муҳим ўлчови ижтимоий фазилатдир. Ижтимоий фазилат – шахснинг маълум ижтимоий-тарихий шароитда, кишилар билан алоқаларидан келиб чиқадиган аломатлари, белгилари йиғиндисидир.

Бироқ шахс – ўзига хос реаллик бўлгани туфайли уни фақат ижтимоий фазилатлар йиғиндисидан иборат, деб ҳисоблаш соддадиллик бўлар эди. Ру-ҳий хислатлар ҳам, индивиднинг ижтимоий фазилатлари ҳам, ахлоқий- ақлий бойлиги ҳам шахс ижтимоий моҳиятини тўлиқ очиб бера олмайди. Шахснинг ўзига хос хусусияти, энг аввало, унинг нарса ва предметлардан туб сифатий фарқида намоён бўлади. Нарса ва предметлардаги ўзгаришлар чекланган, чегаралангандир. Шахс эса маънавий жиҳатдан мунтазам янгиланиб ва ривожланиб боради. Ушбу жараённинг чек-чегараси йўқдир.

Шундай экан, ўзида ижтимоий-маънавий, ахлоқий моҳиятни ўзида мужассамлаштирган одамни англаувчи шахсга ҳам глобаллашувнинг ўз таъсири бор. Шахснинг шаклланишида табиий муҳит, маданий муҳит, ижтимоий тажриба, одамлар билан муносабатнинг ўз ўрни бор. Ижтимоий -иқтисодий тизимни, ишлаб чиқариш муносабатлари, ижтимоий институтлар мажмуи, ижтимоий онг шакллари ва жамият маданиятини қамраб олган- макромуҳит ва шахс бевосита яшайдиган, меҳнат қиладиган оила ва жамоа, ўқув даргоҳи, маданият масканларини ўз ичига олган- микромуҳит шахс маънавиятининг шаклланиши ва ривожланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Шахс бугун глобаллашув даврида маданийлашган жонзот сифатида инсонлараро муносабатлар субъекти бўлиши ҳам мумкин. Инсон ижтимоий муносабатлар ва онгли фаолият субъекти сифатида, жамият аъзоси сифатида индивид ижтимоий функцияларни ўзлаштириш ва ўз-ўзини англашни ривожлантириш жараёнида шахс бўлиб етишади. Ижтимоий умумийликка қўшилиш (у билан уйғунлашиш)га интилиш ва шу билан бирга ижодий индивидуаллик намоён қилиш шахсни ижтимоий муносабатлар маҳсули ва субъектига айлантиради. Шахснинг шаклланиши индивидларнинг ижтимоийлашуви жараёнида амалга ошади.

Шахснинг глобаллашув шароитида бирон-бир воқеа-ҳодисалар таъсири остида ижтимоий моҳият касб этиб, кўпчиликка дахлдор бўлиб, ижтимоий муносабатлар мужассамига айланиб боришини таҳлил қилиш долзарб вазифа ҳисобланади. Шахснинг кишилиқ маданияти, хусусан, миллий маданият анъаналарини ўзлаштириб бориш жараёнида оммавий коммуникация воситалари ривожига ҳам туб ўзгаришларни содир этди. Жумладан, улар таъсирида маданиятнинг демократлашуви юз берди. Маданият соҳасига демократия принципларининг кириб келиши турли хулқ-атвор моделлари, артефактлар, қадриятларнинг биргаликда мавжуд бўлиши ва эркин ривожланиши, улардан имкон қадар кенгроқ аудиториянинг фойдаланиши учун имкон яратди. Бу ҳол ривожланган мамлакатлар фуқароларининг дунёқараши ва хулқ-атворларини ўзгартириб юборди. Кишилар жамиятда мавжуд маданият типига, унинг маҳсулотларига мослашувчан бўлиб қолдилар. Мослашувчанлик кайфияти ёки умумий фалсафий тилда баён қилганда, конформизм(индивид дунёқараши ва хулқ-атворининг жамиятда мавжуд норма ва принципларга мос ва мутаносиб равишда ўзгариши) юзага келди.Маданий муҳитга мослашиш жараёни сифатида юз бераётган ижтимоийлашув вақтида глобаллашув шахснинг хулқ-атвори ва фикр-мулоҳазасини бошқа одамларнинг талабларига, хулқига мувофиқ бўлиши учун уларга мослаштиришга қаратилган мойиллик, унинг

мавжуд ҳолатга, ҳукмрон қараш ва фикр-мулоҳазаларга мослашувчанлиги, уларга нисбатан суғ муносабатни шакллантиришда. Натижада ёшлар ўртасида ўз нуқтаи назарига эга бўлмаслик, зўр таъсир кучига эга андозаларга кўр-кўрона эргашиш, теварак-атрофдаги воқеа-ҳодисаларга танқидий муносабатда бўлмаслик каби иллатлар шаклланишда. Инсоннинг маданий анъаналарни ўзлаштириш жараёни унинг индивидуаллигининг шаклланиши билан ҳамроҳанг юз бериб бу вақтда ёшларда эгоцентризм иллатлари учрамоқда. Шунингдек инсон, жамият, миллат ишига бепарво ва совуққонлик билан ёндашиш, муносабатда бўлиш каби ҳолатлар ҳам шахс ижтимоийлашувининг муаммоларидан бири ҳисобланади. Глобаллашув шароитида муайян гуруҳ ва доираларнинг ғаразли мақсадларига эришиш йўлида сохта маълумотлардан фойдаланиш асосида ижтимоий фикрни чалғитиш мақсадида матбуот, радио, телевидениеда, интернетда берилаётган сохта информациялар ҳам шахсга ўз таъсирини ўтказмоқда. Бундай кўринишдаги дезинформациянинг хатарли жиҳати шундаки, у ички парокандалик, шахс яхлитлигининг бузилиши, унинг ташқи таъсирга берилиб кетишига сабаб бўлади. Бугунги демократия экспорти ниқоби остидаги янги кўринишдаги мустамлакачилик, гегемонизм ва буюк давлатчилик шовинизми, терроризм ва экстремизм мамлакат тинчлиги, маънавий кадрлар, давлатчилик анъаналари, миллий тараққиётни издан чиқарувчи, шахс ижтимоийлашувига деструктив таъсир кўрсатувчи таҳдид эканлигини англаш ва уларга қарши огоҳ ва ҳушёр бўлиш, уларга қарши қатъий ва изчил кураш олиб бориш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир. Зеро Мухаммад Амин Яҳё таъбири билан айтганда **“Ахборот – психологик қурол. У оммавий ахборот воситалари, компьютер ўйинлари, интернет тизими ёрдамида инсон дунёқарашига кучли таъсир кўрсатишга мўлжалланган”**. [8:299]

Ижтимоий жараёнларда иштирок этиш орқали шахс ўз ҳаёти тарзини ўзгартиради. Шахс ўз иштироки давомида шахсий ҳаёт чизигини аниқлаб, уни ривожлантириб боради. Аниқроқ айтганда ўзини англаш ва ўз ҳаётий фаолиятини мувофиқлаштиришда шахснинг жамоавий фаоллиги асосий омил ҳисобланади. Шахс категория сифатида инсон ҳаёти ва фаолияти моҳиятини субъекти сифатида инъикос этаркан, унда трансформациялашув кечаётганини, шахснинг моддий эҳтиёжлари ошганини, унинг иқтисодий, сиёсий қарашларида ўзгаришлар юз бераётганини таъкидлаш жоиз. Яъни бугунги глобаллашув шароитида шахс дунёқарашига иқтисодий, сиёсий, маданий тушунчаларида трансформациялашув юз бермоқда. Хусусан шахс-истеъмолчига айлана бориб, моддий эҳтиёжларни қондириш устивор аҳамият касб этмоқда ва маънавий камолот масаласи иккинчи даражага тушиб қолмоқда. Глобаллашув жараёнлари, этник локаллашув, интеграция, тор ихтисослашув, тармоқ коммуникациялари, инсоннинг ўзидан ва ўзгалардан бегоналашуви, технологиялар жамиятнинг ҳар бир аъзосига янги вазиятларни тақдим этмоқда. Натижада инсон ва жамият муносабатларининг шакли ўзгариб, инсон бу билан ўзини идентификация қилмоқда. Замонавий инсон ўзининг ижтимоий интилишлари ва дунёқарашини тузилмасини ижтимоий идентификациялаш танлови имкониятига эга бўлсада, бу танлов бугун ҳам ижобий, ҳам салбий ҳисобланмоқда. Бу трансформациянинг нисбатан характерли ва

зиддиятли жиҳатлари- постмодерн жамият шаклланиши замирида тез суръатларда жадаллашган глобаллашув ва локал цивилизацияларнинг янги авлодининг шаклланишидир. Бу икки тенденция ўзаро боғлиқ ва бир-бирига зид ҳисобланади. Глобаллашув жараёнларининг зиддиятли кўринишлари- бу замонавий дунёнинг шубҳасиз далилидир. Улар объектив ва субъектив тарзда XXI аср дунё цивилизацияси ва постмодерн жамият шаклланишининг шартли факторларини юзага келтиради.

Постмодерн жамиятда юзага келган тенденция-одамларнинг бир-биридан бегоналашуви, ўзининг сунъий виртуал тор дунёсига кириб олиб, индивидуаллик ва жамоавийлик каби икки асосий инсонийлик белгисини йўқота бошлаганидир. Яна бир тенденция-одамларнинг машинанинг, компьютер ва телевизорнинг бир бўлагига ва асирга айланиб қолаётганидир. [9]

Инсоннинг ўз айнияти ва индивидуал хусусиятларини тобора йўқотаётгани яна қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Постмодерн жамиятнинг тадқиқотчиларидан Поль Вирильо инсон шахси иккига бўлиниб қоётганини эътироф этади. Бир томондан, инсон реал координаталарга эга (“бу ерда ва ҳозир”) ҳаётда, яъни реал жамиятда ва даврда яшамоқда. Унинг ҳаёт кечириш учун зарур турли туман ҳақиқий эҳтиёжлари бор. У ишлашга, одамлар ва жамият билан алоқа қилишга мажбур. Аммо, иккинчи томондан, у вақт (“ҳозир”) макондан (“бу ерда”) устунлик қилаётган матрица ичидаги ҳаётда мавжуд. Яъни у виртуал сунъий яратилган гипервоқеликда яшамоқда. Инсон ҳаётининг ўтиши-вақт-сунъий виртуал макондан, ҳаёлот оламида устун. Натижада инсон шахсияти, инсон “Мен”и улар ўртасида-реал ҳаёт ва сунъий виртуал ҳаёт, реал вақт ва виртуал воқелик ўртасида узилиб, бўлиниб қолмоқда. [10:120]

Баъзи олимлар фикрига кўра, ушбу ҳолат муаммолар занжирининг янги ҳалқасини келтириб чиқармоқда. Уни делегитимизация деб аташ мумкин. Делегитимизация-ҳаққонийликни, қонунийликни, ҳақ-ҳуқуқни йўқотишни англатади. Биз мулоҳаза юритаётган контекстда у инсоннинг борлиқ моҳиятидан, онтологик асосларидан ажралиб қолаётганини, ундаги ўз ўрнини ва атрофида уни ўраб турган муҳитни объектив англашдан, ҳаққонийлаштиришдан(легитимлаштиришдан) маҳрум бўлаётганини англатади. Инсон ҳаққонийликни, реалликни ҳаёлотдан ажрата олмай қолмоқда. Постмодерн олимларидан Ж.Лиотар масалани айнан шу тартибда қўйиб, юқоридаги хулосаларга келади. [9:233]

Шахс XX асрга келиб ўзи бажараётган ижтимоий ролни уддалай олмаётганини баъзи файласуфлар шахснинг шаклланиши ва ривожланиши учун зарур бўлган шарт-шароит қолмагани деб ҳисоблашиб, ўз вақтида бу жараённи Р.Хиггинс ва Э.Фромм кабилар “шахснинг ўлими” деб атагандилар.[11]

Шахс ижтимоийлашувининг ижтимоий функциялари қуйидагилардан иборат: 1) ижтимоий-тарихий жараён субъекти сифатида шаклланади; 2) маданият ва цивилизация тараққиётида ворис ҳисобланади; 3) ижтимоий муҳитга мослашиш орқали жамиятнинг тўқнашувларсиз тараққий этишига замин яратади. Бунинг учун албатта шахс ижтимоийлашувига ижобий таъсир кўрсатадиган ижтимоий тарбияни кучайтириш мақсадга мувофиқ.

Ижтимоий тарбия шахс онгу тафаккури, маънавий-маърифий оламини жамиятнинг мақсад ва вазифаларига уйғун ҳамда ҳамоҳанг равишда шакллантириш ва ривожлантириш жараёни, кишиларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётда фаол иштирок эттиришга даъват этадиган барча эзгу таъсир ҳамда омиллар мажмуи ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, шахс – ижтимоий-тарихий тараққиёт, ижтимоий-тарихий фаолият маҳсули, ижтимоий муносабатлар субъектидир. Шахс - тарих ва жамият маҳсули, таълим ва тарбия натижасидир. Унинг мо-ҳияти ижтимоий муносабатлар бойлиги, ижтимоий фаолият кўлами ва ўзлаш-тирилган маданият ҳажми билан шаклландир. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маданий ислохотлар ўтказилаётган бутунги кунда шахс структурасини яққол тасаввур этиш, унинг ривожланишига тааллуқли масалалар кўламини таҳлил этиш айниқса муҳим аҳамиятга эга. Постмодерн жамиятда инсоннинг роботга, ҳатто машинанинг, компьютернинг бир бўлагига, иловасига айланиши хавфи янада кучайди. Компьютернинг асирига, бандисига айланиб қолган (бундайларнинг сафи йилдан йилга шиддатли суръатда кўпайиб бораётир), бўш вақтини асосан компьютер ёрдамида яратиб олган сунъий, виртуал маконида ўтказаетган киши ўзининг индивидуал, такрорланмас хусусиятларини, шахсий айниятини тобора йўқотиб бормоқда. Илмий-техника тараққиёти жадаллашиб кетган, моддийлик примати ҳукм сураётган бир шароитда шахс шаклланиши билан боғлиқ муаммоларга эътиборсизлик унинг маънавий қиёфасига салбий таъсир кўрсатувчи омилларнинг вужудга келиши ва илдиз отишига олиб келадик, бу омиллар Э. Фромм таъбири билан айтганда, инсонни роботга айлантириб қўйиши ҳеч гап эмас. [12:363]

Шундай экан, вужудга келган вазиятда шахс маънавий қиёфасига таъсир ўтказувчи объектив шарт-шароитлар ва субъектив омилларни муфассал таҳлил қилиш, уларнинг шахсга салбий таъсирини камайтириш йўллариини излаш-фалсафанинг долзарб фундаментал муаммоларидан бирига айланмоқда.

Хуллас постмодерн жамият инсонга ўта зиддиятли таъсир кўрсатиб, турли фан вакиллариан илмий-техника тараққиёти ва технологиялар ривожланиши заруратидан келиб чиқиб тадқиқот олиб бориш билан бир қаторда инсон табиатига хавф солувчи тенденцияларни ўрганишни тақозо қилмоқда. Объектив воқеликни, тараққиёт талабларини ҳисобга олиб таълим-тарбиянинг янги концепциясини ишлаб чиқиш лозим. Постмодерн жамиятдаги тенденциялар биздан таълим-тарбия тизимига янгича ёндашувни талаб қилмоқда. Таълимнинг ҳам, тарбиянинг ҳам замонавий илмий-техник тараққиёт тенденцияларини ва ижтимоий-сиёсий, мафкуравий таҳдидларни ҳисобга олиб, янги концепциясини ишлаб чиқиш лозимлигини тобора ойдинлаштирмоқда. Аввало илмий муаммони ва тадқиқот объектини, мавзуларини аниқ белгилаб олиш зарур. Шундан кейин гуманитар фанлараро ўзига хос “меҳнат тақсимоти” ва кооператив алоқаларни амалга ошириш зарур бўлса, турли мутахассислар жалб этилган ҳолда илмий лабораториялар ташкил қилиниши керак.

References:

1. Liotar J-F. Sostoyanie postmoderna. M., Spb., 1998. 160 s.
2. Hammet F. Virtual reality. N. Y., 1993.
3. Emelin V.A. Informatsionnie texnologii v kontekste postmodernistskoy filosofii. Diss. na soiskanie uchenoy stepeni kandidata filosofskix nauk, Moskva 1999, 164 s.
4. Djejms U. Psixologiya.- M.: Akademicheskij proekt, 2011.
5. Feydiman D, Freyger R, Lichnost i lichnostniy rost (per. S angl. Simferopol, 1993)
6. Djejms U. Psixologiya. Moskva, 1991.
7. Teoriya lichnosti v zapadnoevropeyskiy i amerikanskoy psixologii, Samara, 1996.
8. Muhammad Amin Yahyo. Internetdagi tahdidlardan himoya. T.: Movarounnahr, 2016.
9. A.V. Kostina. Massovaya kultura kak fenomen postindustrialnogo obshestva. M., 2011.
10. Postmodernizm. Ensiklopediya, Minsk, 2001.
11. Fromm E. Begstvo ot svobodi, -M., AST, 2011.
12. Fromm E. The Sane Society. - Toronto, 1960.
13. Falsafa qomusiy lug'at. T.: Faylasuflar milliy jamiyati, 2006.
14. Ma'naviyat asosiy tushunchalar lug'ati. T: M., 2009.